



# ОБОД МАНЗИЛЛАРДА ОБОДДИР ҚҮНГИЛ

**Вилоят ҳокими Үмірзак Шүкев Түркестон шаҳридаги қурилиш иншоотларида бўлиб, ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларини қўздан кечирди.**

Минтақа раҳбари дастлаб Нурсултан майдони ҳамда унинг қошидаги хиёбонга борди. Бугунги кунда иншоотнинг қурилиш-монтаж ишлари амалдаги жадвал асосида олиб

борилмоқда. Унинг ҳудудида пиёдалар учун йўлаклар ва фаввораларни бетонлаш ишлари якунланган.

Минтақа раҳбари Тўнгич Президент истироҳат боғи ва "Ҳазрат сulton" қўриқхона-музейи атрофуни ободонлаштириш ишларини назорат қилиб, кўп тармоқли истироҳат боғини бориб кўрди.

Элбоши боғида иш қизгин.



Шу ойда 295 туп дараҳт ҳамда 6500 дона бута ўтқазиш кўзда тутилган.

"Ҳазрат сulton" қўриқхона-музейининг ҳудудини ободонлаштириш ишлари 4 босқичда олиб борилади. Музей ҳудудида ер текиспаниб, сув ҳамда оқова тизими тўлиқ битказилди. Фаввора майдони бетонланди. Кўкаламзорлаштирилган ҳудудга сугориш тизимини ўрнатиш ишлари 60 фоизга бажарилди.

Шунингдек, кўп тармоқли истироҳат боғида ободонлаштириш ишлари поёнига етмоқда. "Конгресс ҳолл", ўйнгоҳ, ўқувчилик саройи, драма театри, "Rixos Turkestan" меҳмонхонаси, "Буюк Даشت эли" илмий-оммабоп кутубхонасининг қурилиш жадал олиб борилмоқда.

Үмірзак Естайули ишчилар ва мутасаддилар билан мулоқотда бўлиб, иш суръатини кучайтириши топшириди.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

## ● Брифинг

## МЕҲНАТ ШАРТНОМАЛАРИГА АМАЛ ҚИЛИНЯПТИМИ?

Жорий йилнинг 8 ойида Меҳнат инспекцияси бошқармасига 734 фуқародан меҳнат шартномаларига доир арз-шикоят тушди. Натижада ташкилот ва корхоналарда 192та текширув юритилиб, даъвогарларга қонун доирасида белгиланган муддатда жавоб қайтарилди. Бу ҳақда бошқарма раҳбари Берик Ибадуллаев айтди.

Унинг айтишича, меҳнат бартараф этилди, қонунга мувофиқлаштирилди. Қолганларига камчиликларни тузатиш учун муддат берилган, – деди Б. Серикбайули.

2020 йилнинг январь-август ойларида вилоят идоралари ва корхоналарида маошини қонунда белгиланган муддатдан кечичтириб бериш бўйича 5ta ҳолат кузатилди. Бугунги кунда 2ta корхона 2019 йилдан тўпланиб қолган 22 нафар ходимига 41,7 миллион тенге қарз.

Меҳнат хавфсизлиги ва меҳ-

натни муҳофаза қилиш талабларининг бузилиши бўйича 27ta ҳолат рўйхатга олинган. Улар – ишчиларни ўқитиш ва йўриқнома бериш тартибини бузиш, махсус кийим-бosh билан таъминламаслик, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ҳужжатларни тайёрламаслик, мажбурий тиббий текширувлардан ўтказмаслик.

Бошқарма раҳбарининг фикрича, бу каби конунбузарликка йўл қўйилишига иш берувчилар ва мансабдор шахсларнинг Меҳнат қонунларига риоя қилмасликлари сабаб бўлмоқда. Қонунларни атайлаб бузиш ҳолатлари ҳам учрамоқда.

**Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.**

## ЧОРАЛАР ҚЎРИЛМОҚДА

BI Group компанияси томонидан қурилиш ишлари олиб борилаётган Түркестон шаҳридаги кўп қаватли уйларни ичимли сув билан таъминловчи қувур ишдан чиқкан эди. Натижада, маъмурӣ-тадбиркорлик маркази атрофидаги кўп қаватли уйларга сув тўхтатиб қўйилди. Бугунги кунда мутахассислар ва маҳсус техника сафарбар қилиниб, тегишли ишлар бажарилмоқда. Сув бугун кечқурун берилиши кутилмоқда.

Ноқулайликлар учун узр сўраймиз ва барча зарур чоралар кўрилаётганини маълум қиласиз.

## АНТИҚА БЎЙИНБОФ

Сўзоқ туманида ҳар бир йирик молга нур қайтарадиган бўйинбог ўрнатиш кўзланмоқда. Бундай воситалардан фойдаланиш кўпинча уларни қаровсиз қолдираётганлар учун муҳим. Антиқа бўйинбог жониворларни қоронғи пайтда ҳам пайқаш имконини беради. Ваҳоланки, ЙТХларнинг асосий улуши тунги пайтларда юз беради. Кўпинча ҳайдовчилар кечаси жониворларни пайқашмайди. Мазкур акция "Мол-жон омон" дастури доирасида ташкил этилмоқда.

Айтиш жоизи, "НАК "ҚазАтомПром" ХЖ хавфсизликни ошириш мақсадида 15 мингта шундай воситаларни бепул тарқатди. Мазкур тадбир туфайли туманда маҳаллий аҳоли иштирокида маҳсус йиғилиш ўтди. Сўзоқ тумани ҳокими Салихан Пўлатовнинг айтишича, йил сайн туманда мол сони ўсяпти. Бироқ кечалари молларнинг йўлга чиқиб кетиши туфайли юз бераётган баҳтсиз ҳодисалар кўлайиб боряпти.

Тадбирда қишлоқ хўжалиги бўлими ходимлари, ветеринарлар ҳамда маҳаллий полиция ходимлари иштирок этишди.

**Түркестон вилояти ҳокимининг матбуот хизмати.**



## ҚАЙТА ТИКЛАНАЁТГАН МАНЗИЛЛАР

Вилоят ҳокими Үмірзак Шүкев Мақтаарал туманига бориб, янгидан қад кўтараётган бошпаналар қурилиши билан танишди. Минтақа раҳбари уйларнинг сифатига жиддий эътибор қаратди ҳамда маҳаллий аҳоли билан учрашиб, кўтарилиган масалаларни тинглади.

Шунингдек, Жанажўл овул округига қарашли Ўргебас ҳамда Фирдавсий овулларни тиклаш ишлари билан танишди. Умумий майдони 1256 гектарни ташкил Ўргебас аҳоли манзилида 209та уй жойлашган. Бугунги кунда 194та уйнинг пойдевори қаланиб, 185ta уйнинг девори кўтарилилди. 140ta уйнинг томи ёпилди.

Фирдавсий аҳоли манзилида 305ta уй ҳудуди тозаланиб, пойдевори кўйилди, 255ta уйнинг томини ёпиш ишлари якунига етмоқда. Үмірзак Естайули Мирзакентда бир хил қиёфада солинаётган 386 уйнинг қурилиши билан танишди. Бугунги кунда 241 уй фойдаланиша топширилиш арафасида. Шунингдек, янгидан қурилган кичик туманда мактаб, болалар боғчаси, тиббиёт амбулаторияси ҳамда полиция пункти ҳам қад кўтарилимоқда.

Бундан ташқари, ҳоким Ўргебас ва Фирдавсий аҳоли манзилларидаги иккита мактабнинг қурилишини қўздан кечирди. Иншоотлар тўлиқ таъмирланиб, иссиқлик қозонхонасига табиий газ улаш ишлари олиб борилмоқда. Бугунги кунда бу ерда 400га яқин уйнинг қурилиш ишлари тўлиқ якунланди. Колган бошпаналарнинг деворлари кўтарилиб, томи ёпилмоқда. Барча уйлар октябрь ойининг охиригача тўлиқ ниҳоясига етказилиши режалаштирилган.

**Вилоят ҳокимининг матбуот хизмати.**

## СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ – ҲАМИША ХАРИДОРГИР



Арис шаҳридаги "Арай" ишлаб чиқариш ширкатининг пойафзал тикиш цехи 1996 йилдан бўён фаолият юритмоқда. У 2019 йилда қайта тўқис янгиланди. Бу ерда тоза чармдан эркаклар ва болалар оёқ кийими тикилади.

Корхона раҳбари Баян Тўбилованинг айтишича, кунига 20-30 жут пойафзал тайёрланмоқда. Маҳсулот турига қараб нархи 13000дан 19000 тенгегача. Цехда ҳозир 10 киши ишламоқда. Бу ерда тикилаётган пойафзаллар сифатли, пишиқ бўлгани учун харидоргир.

Корхона 2018 йилда "Агробизнес – 2020" дастури доирасида 4,8 млн. тенге, 2019 йилда эса "Қамкор" дастури доирасида йиллик устамаси 1 фоиз билан 5 млн. тенге олган. Цехнинг биноси "Менің атамекенім" лойиҳаси доирасида тикланган.

Корхона раҳбарининг айтишича, келажақда маҳсулот турлари кўлайтирилиб, уни мамлакатимизнинг бошқа минтақалари бозорига чиқариш режалаштирилган.

**Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.**

# ЮРТ ТАРАҚҚИЁТИ ЙЎЛИДА

Кентов шаҳри, Қарноқ қишлоқ округи ҳокими, кўплаб унвонлар соҳиби, Туркистон шаҳрининг ибратли фуқароси Талъат Олимжон ўғли Мадмусаев билан сұхбатимиз жорий йилнинг 8 ойида амалга оширилган ишлар хусусида бўлди.



– Талъат ака, сұхбатимизни қишлоқ хўжалиги соҳасидан бошласак.

– Биздаги умумий ер майдони 41277 гектар бўлиб, 2500 гектари обикор, 3991 қўриқ, 576 гектар пичанзор ҳамда 34560 гектар яйловни ташкил этади. Бу ер майдонлари айни пайтда 192та агротузилмаларга фойдаланишга берилган. Уларда 4 қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариш ширкати, 5ta МЧБ, 183та дехқон хўжаликлари мавжуд. Жорий йили «Ирмоқ ўзан» сув омборининг ўнг қанот каналини тъмирлашга вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси томонидан 85 млн. тенге маблағ ажратилиб, пурратчи ташкилот «Жигита» МЧБ томонидан тъмирлаш ишлари ту-

тилди. Қишлоқдаги Охунтума даҳасида агрохудуд ташкил этиш бўйича ишлар давом этмоқда. «А. Тажитдинули» дехқон хўжалиги томонидан кичик паррандачилик фермаси қурилиши битказилиб, ускуналар ўрнатилди. «Мусабек» дехқон хўжалиги томонидан кичик паррандачилик фермасини куриш ишлари тугалланниб, монтаж ишлари якунланмоқда. Айни пайтда бюджет ҳисобидан агрохудудни электр қуввати билан таъминлаш, трансформатор ўрнатиш ва электр тизимини тортиш ҳаракатидамиз. Фуқаро А. Азизов 1,0 гектар майдонда дехқон хўжалигини ташкил этиб, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш цехини очиш ишларини бажармоқда. «Ирмоқ ўзан» сув омборининг ўнг қанот каналини тъмирлашга вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармаси томонидан 85 млн. тенге маблағ ажратилиб, пурратчи ташкилот «Жигита» МЧБ томонидан тъмирлаш ишлари ту-

галланиб, фойдаланишга берилди. Йилига 2-3 марта ҳосил олиш технологиясини жорий этиш бўйича 20ta лойиҳа амалга оширилди. Умумий майдони 9,14 гектар жода биринчи ҳосил олиниб, иккинчиси етиширилмоқда. Караптин шароити туфайли бир қанча сармоявий лойиҳалар ижроси кейинга қолдирилди.

– Инфратаузилма бўйича қандай ишлар бажарилди?

– Шаҳар ҳокимининг топшириғига мувофиқ Охунтума кўчасини ўртacha тъмирлашга 35481,6 минг тенге ажратилган, пурратчи ташкилот «Азрет йўл қурилиши» МЧБ ишга киришди. «Имом Баҳоилий» мақбараси ва кўхна дошқозон ўрнатилган меъморчилик мажмуасини бунёд этиш бўйича 5 млн. тенге ажратилиб, ишлар давом этмоқда. Қишлоқдаги Бобур ҳамда С. Раҳимов кўчаларини асфальтлаш ишлари бошланди. Жорий йили Туркистон ва Амир Темур кўчаларида 26 млн.



тенгега пиёдалар учун замонавий йўлак бунёд этилди, қишлоқнинг 5ta кўчасига 18 млн. тенгега тунги чироқлар ўрнатилди. Кентов шаҳри ҳокими Д. Махажанов ҳамда каминанинг 2019 йили бажарган ишлари бўйича аҳолидан тушган таклиф мупоҳазаларнинг аксарияти бажарилди. Иккита таклиф назоратда, учтаси карантин туфайли бажарилмади. Билимлар куни муносабати билан оқсоқоллар кенгаши раиси, фаол жамоатчи Каримжон Гайбисhev саъй-ҳаракатлари билан 140 ўринли «Ақбўта» болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Шаҳар ҳокимининг ўринбосари Бекайдар Алимбетов, шаҳар таълим бўлими вакили иштирокида ушбу болалар кошонаси тантанали равишда очилди. Натижада қишлоғимизда болалар боғчаси билан таъминлаш даражаси 90 фоизга етди. Минтақадаги энг йирик Қарнок масжиди келаси йили фойдаланишга топширилиши режаланмоқда.

– 2005 йилдан зиёд тарихга эга кўхна Қарноқ тараққий этиб, белгиланган мақсадлар амалга оширишда омад ҳамроҳ бўлсин.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

**Суратларда:** Қарноқ қишлоғи ҳокими Талъат Мадмусаев; Каримжон Гайбисhev саъй-ҳаракатлари билан бунёд этилган «Ақбўта» болалар боғчаси тантанали очилиши; боғчанинг умумий кўриниши.

**Муаллиф тасвирлари.**



## ● Инсон ўзинг

### МАҚСАДИМИЗ – ФАРОВОН ТУРМУШ

Қишлоқ хўжалигини ривожлантирумай, рақобатбардош иқтисодиёт барпо этиш мумкин эмас.

**Қасим-Жўмарт ТЎҚАЕВ.**  
“Янги вазиятдаги Қозоғистон: ҳаракатлар даври”.

Қишлоқ фуқароларининг фаровонлигини ошириш Ҳукуматнинг кун тартибидаги дол зарб масала. Бугунги кунда ишлайман, деган фуқароларга давлат томонидан жуда катта имкониятлар ҳамда кўлловлар кўрсатилмоқда. Оддий халқнинг тириклигини жонлантириш мақсадида соҳа-соҳага ажратилган давлат дастурлари қабул қилинмоқда.

Натижали иш билан таъминлаш ҳамда оммавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурининг мақсади – аҳолининг натижали бандлигини таъминлашга ёрдам бериш, фуқароларни тадбиркорликка жалб қилиш.

Манкент қишлоғида истиқомат қилувчи Жасур Шомуҳаммедининг асли касби ҳисобчи. Ўз соҳасида иш бошлаган Жасур кейинчалик бозор иқтисодиётiga мослашиб, савдо соҳасида фаолият юритди. Қишлоқнинг лобар қизларидан бири Шоира билан турмуш қурди. Фарзандлари Сарвар, Сардор, Азиз ва Лазизларни тарбиялаб, вояж етказди. Раҳматлии отаси Шавкат ака ва онаси Тамара аялар ўқитувчи эдилар. Улар таълим-тарбия билан бирга фарзандларини ҳалол мөхнат қилишга ўргатди.

– Бекорчидан – худо безор, дейдилар. Отам раҳматли мөхнат қилиб, ҳалол луқма мазали бўлади. Йигит кишига қирқ ҳунар оз, деб ботбот тақоррларди. Бугунги бозор иқтисодиётни одамларни яхши яшаш учун кўпроқ даромад топадиган қасблар бошини тутишга, тадбиркорликка, мөхнатсеварликка, уддабуроликка ўргатди. Ўғил-қизлар катта бўлгач, талаблар ҳам шунга яраша бўларкан, – деди биз билан

сұхбатда Жасурбек.

Қишлоқда энг яхши даромад манбаи – дехқончилик ва чорвачилик. Шу боис, Жасур Шомуҳаммединов уч ийл муқаддам икки от ва 5ta кўй билан чорвачиликни бошлади. Давлат иш бошлаганларга молиявий ёрдам бераётганидан воқиф бўлгач, Сайрам туман иш билан таъминлаш маркази директори Нурлан Сариковга мурожаат қилди. Ва натижали бандлик ҳамда оммавий тадбиркорликни ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган «Мехнат» давлат дастури доирасида «Ауыл Несие» кредит марказидан 5 млн. 900 минг тенге олди. Шартномага кўра, 118 бош қўй сотиб олди. Отлар сонини 10тага етказди. Ем-хашакни ҳам забардаст ўйиллари ёрдамида ғамлаб кўйибди.

– Ҳозирча қўйларнинг ярми томорқамда, ярми дўстимницида. Насиб эта, каттароқ қўра қуришни режалаштириб қўйғанмиз, оилада фарзандларни оёққа турғазиб, фаровон яшаш учун севган касбинг билан шугулланганга нима етсин. Қишлоқда яшагандан кейин чорвачилик ёки дехқончилик билан шугулланган афзал. Қолаверса, давлат томонидан ёрдам кўрсатилтипи, – деди Жасурбек.

Оиланинг эрка қизи Лазизахон турмушга чиқкан, икки фарзанднинг онаси, ширингина оила бекаси. Сарвар тиббийт университетининг 7-курс толиби, Сардор ва Азиз ҳам олий ўқув юртлари талабалари. Бир ҳафта аввал янги хонадонга келин бўлиб тушган оқбойлик келинчак Оқила – дизайнер.

Ҳаётни ширин деб билганлар завқли мөхнат ва хотиржамлик зийнати билан яшайдилар.

Жасурбек Шомуҳаммединовлар оиласи шулар сирасидан.

**Мухтабар УСМОНОВА.**  
Сайрам тумани.

### ЯНГИ – ЭЛЕКТР СТАНЦИЯЛАРИ БАРПО ЭТИЛЯПТИ

Шимкентнинг 10ta аҳоли манзили сифатли электр қувватига уланади. Буни шаҳар ҳокими Мурат Айтевонов «Оңтүстик» телеканалининг «Ҳоким соати» дастурида берган сұхбатида маълум қилди.

– Шаҳарнинг шимолий қисмida сўнгига уч йилда электр қуввати тақчиллиги сезилияпти. Мазкур масалани ҳал қилиш мақсадида 220kV қувватига эга “Бўзарик” кичик станция қурилиши бошланди, – деди ҳоким.

Лойиҳа пурратчи ташкилот “Аврора Констракшон” МЧБ томонидан амалга оширилмоқда. Мазкур ишларга бюджетдан 9,7 млрд. тенге ажратилди. Бугунги кунда “Ақжар” ва “1-М-1” кичик станциялари ҳам қуриляпти. Улар келгуси йилда фойдаланишга топширилади. Янги станциялар туфайли 35ta аҳоли манзилининг муаммолари ҳал этилади.

### НОҚОНУНИЙ ҚУРИЛИШЛАР ТЎХТАТИЛАДИ

Шимкент шаҳри ҳокими Мурат Айтевонов онлайн тартибда фуқароларни қабул қилди. Шаҳар аҳолиси ўзларини ташвишга солаётган масалалар билан мурожаат қилишган.

Ал Фаробий туманида истиқомат қилувчи Б. Кўпбаева

8-сонли мактаб қошида ноқонуний қурилишлар кетаётганини ва у аҳоли ҳамда мактаб ўқувчилари учун ноқулайликлар туғдираётганини маълум қилди.

– Ўтган ҳафтада мен Ал Фаробий тумани ҳокими билан бирга мазкур масала юзасидан қурилиш кетаётган жойга бордим. Шуни маълум қиламанки, айни пайтда ер участкасини давлат мулки сифатида шаҳар эҳтиёжига қайтариш тўғрисидаги фармойишни имзоладим. Бунинг учун безовта бўлишнинг ҳожати йўқ. Мазкур иншоот қурилишининг тўхтатилишини шахсан назоратга олдим, – деди ҳоким.

Бундан ташқари, қабул чоғида уй-жойлар ҳудудида ўйин майдончаларини ўрнатиш масалалари ҳам кўтарилиди. Ал Фаробий туманинг “Спорт” кичик туманида яшайдиган Д. Кобланованинг айтишича, унинг уйи авария ҳолатида ва бунинг учун ёрдам сўраб, ҳокимга мурожаат қилиш учун қабулга ёзилган.

Шаҳар раҳбари унга зарур ҳужжатларни тегишли бўлимга топшириб, навбатга туриш кераклигини айтди. Бошпана навбат билан берилади ва янги квартири олган ҳолда оила авария ҳолатида деб топилган уйни коммунал ҳўжаликка ўтказилиши кераклигини эслатди. Мурожаатларни тинглагандан сўнг ҳоким тегишли бошқарма раҳбарларига муаммоларни қонун доирасида ҳал этишини топшириди.

**Шимкент шаҳар ҳокимининг матбуот хизмати.**



Туркистон шаҳридаги Ҳожа Аҳмад Яссавий номли Ҳалқаро қозоқ-турк университетининг Туркий ҳалқлар кутубхонасида Олтин Ўрданинг 750 йиллигига бағишиланган “Олтин Ўрдадан маънавиятга бошланган тарихий йўл” мавзууда Ҳалқаро онлайн анжуман ўтди. “Жанубий Қозоғистон” газетаси ва “Ижодкор” адабий бирлашмасининг ташаббуси билан ўтган мазкур тадбирда адабиётшунос олим Қулбек Ергўбек, ёзувчи Марҳабат Байғут, “Жанубий Қозоғистон” газетасининг Дириектор-бош мухаррири Алишер Сотвоздиев, Қозоғистон Ёзувчилар уюшмаси аъзолари, журналистлар, устозлар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этиши.

Фақат Туркистондагина мавжуд, жами 24 туркий тилда 49 мингдан зиёд ноёб китоблар жамланган туркий ҳалқлар кутубхонасида ҳамжиҳатликни, маънавият ҳамда адабиётлар ҳамкорлигини мақсад тутган онлайн тартибдаги ҳалқаро анжуман муваффақиятли ўтди.

# АТОҚЛИ АДИБЛАР

**ЁКИ ОЛТИН ЎРДАНИНГ 750, ЁЗУВЧИ САБИТ МУҚАНОВНИНГ 120 ҲАМДА ШОИР ВА ТАРЖИМОН МИРТЕМИР ТУРСУНОВНИНГ 110 ЙИЛЛИГИ КЕНГ НИШОНЛАНДИ**



Хусусан, қозоқ-ўзбек ҳалқлари ҳамкорлиги ва тутувлигига хизмат қилиши, ҳалқлар тутувлиги ва дўстона муносабатларга раҳна солувчилик орамизда борлиги, уларнинг ёвуз нияти ҳеч қачон амалга ошмаслиги, зоро, бу иллат зинҳор яхшиликка олиб келмаслигини таъкидлади. Адид Миртемирнинг Эски Икон қишлоғида ўтган 100, 105 йиллик ҳалқаро юбилейларини бошқарган ҳамда бугунги кунда Элбошимиз

Н. Назарбаев Фармони билан ташкил этилган Туркистон вилояти марказида ўтаётган 110 йиллик юбилейда ҳам модераторликни зиммасига олган ёзувчи, олим Қулбек Ергўбек Туркистондан чиқсан таникли адаблар Одил

Ёқубов, Носир Фозиловлар ижодини Миртемир ҳамда Сабит Муқанов билан боғлаб, гапиди. «Жанубий Қозоғистон» газетаси бош мухаррири, ҳалқаро конференция тадбири ташкилотчиси Алишер Сотвоздиев рўзнома саҳифаларида Миртемир мероси ва ижодига

даги фаол иштирокини ифтихор ила эътироф этди. Адид Марҳабат Байғутнинг 75 йиллиги муносабати билан бош мухаррир Алишер Сотвоздиев, ёзувчи Абдураҳим Пратов, тадбиркор Дониш Маннотов, вилоят ўзбек этномаданият бирлашмаси раиси ўринбосари, «Улес»

хайрия жамоат жамғармаси раиси Райимжон Қўчқоровлар қутлаб, тўн кийдириб, «Фахрий ёрлиқ»ларини тақдим этиши.

Райимжон Қўчқоров адабнинг кўксига «Өнегелі азamat» кўкрак нишонини тантанали равища тақиб, мукофот билан муборакбод этди. Қулбек Ергўбекка ҳам иззат-икром кўрсатилиб, Миртемир юбилейларидағи холис хизматлари учун кифтига тўн ёпилди. Ҳамза номли мактаб ўқитувчиси Ҳусан Убайдуллаев, информатика

оид мақолалар, газетанинг маънавият ва дўстлик мавзуларига доимий ахборий кўллов кўрсатиб келаётгандигини айтди. Ёзувчи Қулбек Ергўбек ҳам «Жанубий Қозоғистон» газетасининг вилоятимиз ижтимоий сиёсий ҳаётида



Туркистон шаҳар ҳокимлиги ички сиёсат бўлими бошлиғи Баҳтиян Бўкебаевнинг йўллаган расмий, самимий табрикномаси ўқиб, эшиттирилди. Ҳалқаро қозоқ-турк университети, туркий ҳалқлар кутубхонаси, «Жанубий Қозоғистон» вилоят газетаси ҳамда ҚР «Дўстлик» ҳамжамияти қошидаги «Ижодкор» бирлашмаси ташкилотчилигига уюштирилган ушбу ҳалқаро тадбир модератори, профессор, ҳалқаро «Алаш» мукофоти совриндори, ёзувчи Қулбек Ергўбек Олтин Ўрда тарихини бугунги кун билан боғлаб кириш нутқини баён этди. Жорий йили 75 ёшни қаршилаган адид, фаол жамоатчи, ҳалқлар дўстлиги ва адабиётлар ҳамкорлиги жонкуяри, Ҳалқаро «Алаш» мукофоти лауреати Марҳабат Байғут барчани табриклаб, тадбир туркийлар,

мутахассиси Шоҳиста Пўлатова ҳамда аксарият хайрли ишлар жонкуяри Райимжон Қўчқоров бошчилигидаги операторлар гуруҳи онлайн тартибда вилоятимиздаги барча ҳудудлар, хусусан, қўшни Ўзбекистон билан алоқа боғлаб, экранда Тошкентдан жамоат арбоби, олим Қозоқбой Йўлдошевнинг «Ҳар учала тадбир ҳам пировардида эл бирлигини мақсад тутганлиги, маънавий алоқаларни мустаҳкамлаш даркорлиги, адид Миртемирнинг ўзига хос иқтидори» тўғрисидаги жўяли мулоҳазалари, атоқли адид Тошкентда яшаб, ижод қилган хонадонда истиқомат қилувчи 72 ёшдаги ўғли Мирзатой аканинг отасининг киндик қони томган Туркистонда ҳимматли инсонлар саъӣ-ҳаракатлари билан ташкил этилган тадбирдан боши кўкда эканлиги,

# ХОТИРЛАНДИ

падары бузруквори адабиётта, адолатта холис эътиқод билан хизмат қылгани, рўзғор тебратиш учун таржима билан ҳам шуғулланганлиги хусусидаги ва бошқа мuloҳазаларини самимият билан баён этиб, теран миннатдорчилигини изкор этганлигини экрандан кузатдик. Қарноқлик ёзувчи-шоир Баҳром Гойиб ва бошқа инсонлар ҳам Миртемир ҳақидаги мароқли мuloҳазаларини кўпчилик билан ўртоқлашдилар. Миртемирнинг Эски Иқонда истиқомат қилувчи қариндоши Ирода Мұхаммаджонова Миртемир ижодига бағишлиган «Буюк карвон», «Миртемир қаламида ўлкам жилвалари» китоблари нашрга тайёрланётганини айтиб, адабининг дўстликка бағишлиган машҳур «Қозогим...» шеърини ифодали ўқиб берди. Миртемирнинг ҳамкишлого, тадбиркор, зиёли адабиётшунос тадқиқотчи Сайдолим Нуршиддин ўғли адабининг таржима ҳолига тўхталиб, аждодлари ҳақидаги тарихий тафсилотларни ҳам ҳақоний баён этиш ҳақидаги таклифи билдириди. Миртемирнинг сўнгига 10 йилдаги барча юбилейларини ташкил этишда фаол қатнашган (Иқоннинг собық ҳокими, собық вилоят маслаҳати депутати) Дониш Маннотовга ёзувчи-

**Тошкентдан жамоат арбоби, олим Қозоқбой йўлдошевнинг «Ҳар учала тадбир ҳам пировардида эл бирлигини мақсад тутганлиги, маънавий алоқаларни мустаҳкамлаш даркорлиги, адаби Миртемирнинг ўзига хос иқтидори» тўғрисидаги жўяли мuloҳазалари баён этилди.**

Куришбаева «Ташаккурнома»ни топширди. Д. Маннотов кутубхонага ўзи ҳомийлигига нашр этилган, муаллиф А. Дербисали қаламига мансуб мутафаккир олим Қавмиддин ат Иқоний ҳақидаги китобни топшираркан, яқин кунларда таникли таржимон Долимжон Сайфуллаев саъй-ҳаракатлари билан ушбу китобнинг ўзбекчasi ҳам нашрдан чиқса, яна кутубхонага беришини маълум қилди. Ёзувчи Марҳабат Байғут мана шундай маънавият мақсадидаги тадбирларда фаол иштирок этишга бошқаларни ҳам даъват этиб, «Туркистон» китобини кутубхонага тақдим эти.

Қозогистон Ёзувчилар Юшмаси аъзоси, «Чашма» ижодий уюшмаси раиси Сунннатулла Акрамовнинг назм ва наср уйғунлиги акс этган нутқида адаби Миртемир номини абдийлаштириш зарурлиги ҳақидаги таклифига адиллар Марҳабат Байғут ва Қулбек

**Маънавият, бадий адабиёт, наср ва назм олами билан ошнолик, хусусан, она тилимиздаги «Жанубий Қозогистон»ни доимий мутолаа қилиш – ҳар бир оила, ҳар бир инсонга фақат ижобий самара беришини, жамиятилиздаги аксарият муаммолар маънавиятдан узоқлашган, адабиёт одобидан олисда қолган кимсалар ҳаётида рўй бериши ҳақидаги мuloҳазамизни яна бир карра баён этамиз.**



анжуман баённомасига шу масалани алоҳида киритишни таклиф қилди. Доимий муштариимиз, Миртемир юбилейларини ўтказиш ташаббускори, нафақадаги фахрий устоз, 75 ёшли Тўхтапўлат Тилеулиев ҳамда юзлаб бошқа муштариимизнинг Миртемир номини абдийлаштириш ҳақидаги этилган халқаро мушоирада Қозогистон, Ўзбекистон ва Қорақалпогистондан кўплаб ижодкорлар фаол иштирок этганлигини мамнуният билан маълум қилиб, барча ижод намуналари муаллифлари эътибордан четда қолмаганлиги ҳамда рағбатлантирилганлигини таъкидлади. Туркестон ва Кентов шаҳридан ўз ижод намуналарини ўйллаган муаллифлар яқин кунларда шаҳар этномадания бирлашмалари ташкилотчилигига Миртемирга бағишлиб ўтказиладиган тадбирда диплом ва совғасаломларини олишлари мумкинлиги айтилди. Ёзувчи А. Пратов бу тадбирларда шахсан иштирок этишини маълум қилди. Тадбир якунида Дониш Маннотовнинг таклифи билан праймеризда иштирок этаётган ижодкор Ирода Мұхаммаджоновага кекса адиллар Марҳабат Байғут ва Қулбек Ергўбеклар омад тилаб, фотиҳа беришиди. Сўзимизни мухтасар қилар эканмиз, маънавият, бадий адабиёт, наср ва назм олами билан ошнолик, хусусан, она тилимиздаги «Жанубий Қозогистон»ни доимий мутолаа қилиш – ҳар бир оила, ҳар бир инсонга фақат ижобий самара беришини, жамиятилиздаги аксарият муаммолар маънавиятдан узоқлашган, адабиёт одобидан олисда қолган кимсалар ҳаётида рўй бериши ҳақидаги мuloҳазамизни яна бир карра баён этамиз.

«Ижодкор» адабий бирлашмаси раиси Абдураҳим Пратов ва бирлашма раиси ўринбосари, халқаро мушоирани ташкил этиш мутасаддиси Баҳодир Оташ Миртемир юбилейи шарафига ташкил этилган халқаро мушоирада Қозогистон, Ўзбекистон ва Қорақалпогистондан кўплаб ижодкорлар фаол иштирок

этганлигини мамнуният билан маълум қилиб, барча ижод намуналари муаллифлари эътибордан четда қолмаганлиги ҳамда рағбатлантирилганлигини таъкидлади. Туркестон ва Кентов шаҳридан ўз ижод намуналарини ўйллаган муаллифлар яқин кунларда шаҳар этномадания бирлашмалари ташкилотчилигига Миртемирга бағишлиб ўтказиладиган тадбирда диплом ва совғасаломларини олишлари мумкинлиги айтилди. Ёзувчи А. Пратов бу тадбирларда шахсан иштирок этишини маълум қилди. Тадбир якунида Дониш Маннотовнинг таклифи билан праймеризда иштирок этаётган ижодкор Ирода Мұхаммаджоновага кекса адиллар Марҳабат Байғут ва Қулбек Ергўбеклар омад тилаб, фотиҳа беришиди. Сўзимизни мухтасар қилар эканмиз, маънавият, бадий адабиёт, наср ва назм олами билан ошнолик, хусусан, она тилимиздаги «Жанубий Қозогистон»ни доимий мутолаа қилиш – ҳар бир оила, ҳар бир инсонга фақат ижобий самара беришини, жамиятилиздаги аксарият муаммолар маънавиятдан узоқлашган, адабиёт одобидан олисда қолган кимсалар ҳаётида рўй бериши ҳақидаги мuloҳазамизни яна бир карра баён этамиз.

**Ш. МАДАЛИЕВ.**

**Суратларда: тадбирдан лавҳалар.**

**Муаллиф тасвиirlари.**



адаби Қулбек Ергўбек ташаббуси билан ташкил этилган туркӣ халқлар кутубхонасига қарийиб 4000га яқин ўзбек тилидаги нодир бадий адабиётларни тўплаб етказиб беришдаги холис хизмати учун кутубхона директори Мария

Ергўбек қўплов билдириб, қонун бўйича Иқондаги ёки бошқа ҳудуддаги шу адаб номини олиш истагидаги ташкилот ходимлари ономастика комиссиясига ариза ўйллашлари лозимлигини айтишиди. Қулбек Ергўбек халқаро

тахририятга мурожаат ва таклифлари яқин келажакда амалга ошса – нур устига нур.

Қозогистон Ёзувчилар Юшмаси аъзоси, «Жанубий Қозогистон» газетаси бўйлим мудири Зокиржон Мўминжонов,





## ТУМАН КАСАЛХОНАСИ ТАЪМИРЛАНДИ

Тулкибош туман касалхонаси тўлиқ таъмирланди. Бундан ташқари, ногирон шахсларнинг кириб-чиқиши учун нишаб йўлкалар ўрнатилди.

Йил охиригача марказий касалхонанинг учта: асаб касалликлари, туғруқхона ва ги-некология бўлимлари ҳам таъмирланиб, фойдаланишга топ-

ширилади.

Касалхона 270 ўринга мўлжалланган.

Дарвоқе, бу ерда ичимли сув доими муаммо бўлиб келган эди, энди бу масала ҳам ижобий очимини топади.

**Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати.**

## 80 ОИЛА БОШПАНАЛИ БЎЛАДИ

Чордара шаҳрида жами 74та кўп қаватли уй бор. Уйлардаги квартиralар сони 1964та. Мазкур уйларда 5600га яқин аҳоли истиқомат қилади. Бу шаҳар аҳолисининг 16 фоизини ташкил этади.

Үй-жой жамғармасини янгилаш дастурига кўра Чордара шаҳрида 2017 йили 8та, 2019 йили бта кўп қаватли бошпана тубдан таъмирланган. Бу йил Чордара шаҳрида Ал Форобий ва Астана кўчаларида 40 квартирали 4та кўп қаватли икки уйнинг қурилиши тутагилиб, ноябрь ойидаги фойдаланишга берилади. Умумий сони 80 квартира кам таъминланган ва кўп болали оиласларга, уй навбатида турган муҳтоҷ оиласларга берилади. Тумандаги йирик тадбирлардан бирни Чордара шаҳрида янги "Асем" кичик

туманини тоза ичимли сув билан таъминлаш ишлари. Бугунги кунда қурилиш-монтаж ишлари юритилмоқда. Шу ой охиригача кичик туман аҳолиси ичимли сув билан таъминланади.

Шу билан бирга, ҳудудда "Бандликнинг йўл ҳаритаси-2020" дастури доирасида Чордара шаҳрида "Уч Арис" хиёбони ва Жибек жўли кўчасини ободонлаштириш ишларини юритилмоқда. Йўл қурилиши соҳасида 2020 йили Чордара туманин бўйича "Қишлоқ – эл бешиги" дастури доирасида умумий узунлиги – 18, 04 ҷақиригини ташкил этадиган жами 21та кўчада ўрта таъмирлаш ишларини юритиши режаланган.

**Туркестон вилоятининг минтақавий коммуникациялар хизмати.**

## Баракдаги ош

Қишлоқ шўросида ишлаган йилларимда туман судининг Ўразқул исмли суд ижрочиси билан танишиб қолдим. Кейин бу танишларимиз оиласида дўстликка айланди. Кунинга эмас, кун-ора улар бизнисига, биз уларнига борардик. Мехмондорчиликлар баъзида узоққа чўзилиб, ҳатто бир-бираимизнида тунаб қолган вақтларимиз ҳам бўлган. Яхшилик, ёмонликларда биродарлигимиз анча синалган эди.

Ўразқул билан ака-ука тутиндик. У оиласда ёлғиз ўғил, онаси кекса нуроний эди. Қанча ялинса ҳам, у шаҳарга келмас, ёлғиз ўзи қишлоқдаги темир йўл бекатига яқин уйлардан бирида яшарди. Ўразқул онасидан тез-тез хабар олиб турарди. Волидаси ҳам буларнинг уйига кўп келар, лекин бир кундан ортиқ қолмасдилар. Нима ҳам бўлдию, шу акамиз тухмат билан 4,5 йилга қамалиб кетди. Унинг 4 қизи, оиласи шу даврда анча қиайналиб қолди. Шунда онаси гўшт, сут-қатиқ билан ёрдамлашиб турди ва менинг номимга олинган автомашинасини сотдилар.

Орадан иккى йил ўтгач, қаҳратон совук кунларнинг бирида, онахон "мени ўғлим билан учрашувга олиб борсанг", деб илтимос қилиб қолди. Мактабда ишим зиқлигига қарамай, ноилож рози бўлдим. Кетадиган кунимиз қаттиқ шамол бошланди. У шундай турдик, ошхона ва бостирамиз томини шифер ва ёғочи билан кўшиб, улоқтириб ташлади. Кўнглим хижил бўлиб, йўлга чиқдим. Шамол кучайгандан кучаярди. Майли нима бўлса ҳам учрашиб, боролмаслигим ва узримни айтиб қайтарман, деб, автобусда айтилган жойга етиб борсам, муштипар она шамолда иккى букилиб, бекатда ниҳолдай тебраниб турар-

ди. Аҳволимни айтиб тушунирай дедиму онаизорга раҳмим келди. Нима бўлса бўлар, деб, юкларини кўтариб, автобусга чиқдим. Кун совуқ, бунинг устига шамол баданимни аёвсиз чимчиларди.

Билет олишимиз осон бўлди. Ва ниҳоят, Москва – Алмати поездининг купе вагонига чиқиб, иссиқ чой ичгач, баданларимиз яйради. Эрталаб соат саккизларда поезддан тушдик. Алматида шамол йўқ, лекин қор қалин, кун анча совуқ эди. Таксида Заречинск қамоқхонасининг олдига келдик. Учрашув учун берилган рухсат қозоғини ёнимиздан, сумкаларимиздан қидирмаган жойимиз қолмади. Хуллас, рухсатномамиз йўқ эди. Бунинг устига бу қамоқхона собиқ СССРдаги партия, совет, прокуратура, суд ходимлари қамаладиган қатъий тартибдаги маҳкамаси эди. Энди нима қилдик. Чиқмаган жондан умид деб, кампирни панароқ жойга ўтқазиб, қамоқхона дарвозаси олдига бордим. Дам олиш куни бўлганлиги боис ҳаммаёқ жимжит эди. Постда турган солдат "Сенга ким керак, рухсатноманг борми?" деб сўради. Мен йўқлигини, Ўразқул Арғинбаевни излаб келганини айтдим. Узоқда қалтираб турган кампирни кўриб, раҳми келди, шекилли, у бугун тушнан учун зонага киргани йўқ, мана бу гаражда ишлашади, деди.

Мен гаражга кирдим. Ҳайотдек ҳовлида турли техника қисмлари сочилиб ётарди. Ишлаётгандардан баракни сўрадим, сўнг кўрсатилган бараклардан бирни томон юрдим. Қоронги даҳлиздан ўтиб, хона эшигини очдим. Бир хил қора кийимдаги кишилар шарпаси кўзга ташланди. Бу ердагиларнинг ранги совукмиди ё менга шундай туюлдими, ҳар ҳолда, киши сесканар экан. Менда ҳам шундай ҳолат юз бе-

## ЧОРДАРАЛИКЛАРГА – ГРАНТЛАР



Чордара туманида бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, ёшларни мазкур соҳага кенг жалб қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Чунончи, тадбиркорликни бошламоқчи бўлган ёшларга бегараз моддий ёрдам кўрсатиш, уларни қўллаб-куватлаш мақсадида давлат грантлари ажратилмоқда.

Чордаралик Серик Тўқмирзаев шундайлар

сирасидан, у 505 минг тенге

давлат грантини олиб, пластик

дераза, эшик тайёрлайдиган цех

очди. Фаолият юритаётганига

бир йилдан ошмаган цех маҳсулотларига маҳаллий фуқаролар

иш билан таъминлашни режаламоқда.

Яна бир грант соҳиби шарда-

томонидан буюртмалар ҳам оз

эмас. Ҳозирча барча ишларни ўзи бажармоқда.

Серик буюртмалар кўпайса, цехни кенгайтириб, маҳаллий фуқароларни

иш билан таъминлашни режаламоқда.

Янгирига кунда туманда манзилли ижтимоий ёрдам тўлашга 887,9 млн. тенге маблаг ажратилган. Шунингдек, 1-6 ёшгача бўлган болаларни кафолатли ижтимоий пакет билан таъминлашга 195,4 млн. тенге сарфланган.

Хозирги кунда туманда манзилли ижтимоий ёрдам олган оиласлар сони – 598, кафолатли ижтимоий пакет олган оиласлар сони 600га яқин.

**Вилоят минтақавий коммуникациялар хизмати**

### ● Одамлар орасида

риб, эшикни очдиму дарҳол қайта ёпдим. Орқамдан бирор чиқди. Мен муддаоми айтгандим, нариги эшикни кўрсатиб, қайта ичкарига кириб кетди. Мен иккичи эшикни очдим, рўпарамдаги одамини Ўразқулга бир ўхшатиб, бир ўхшатмай қайта ёпдим. Бир фурсат эшик олдида турниб қолдим. Эшик шахт билан очилиб, бир маҳбус мени қулоқлаб, йиглай бошлади. Уни ўзимдан зўрга ажратиб, юзига қарасам, ўша мен қидирган оғам экан. Иккимиз ҳол-ахвол сўрашиб, анча туриб қолдик. Ўразқул эса сўзлашдан тўхтамай, Туркистондаги танишларни суриштира кетди. "Номардлар деди, сўз орасида, "менинг анча ёрдамим теккан дўстларимдан бирорстаси йўқлаб келмади, ўзбек бўлсанг ҳам, сен келдин", деди яна бир бор бағрига босиб. Бу пайтда хонадагиларнинг ҳаммаси чиқиб кетди. Бу ерда жуда кўп ҳукуқни ҳимоя қилиш органдарни, "ўзбеклар иши" билан ноҳақ қамалган ўзбекистонлик обком, райком, ижроқўм раислари ҳам жазоларини ўташаётган экан. Биз анча гурнуглашиб, ташқарида қолган онахонни уннутаёзимиз. Дарров икковимиз чиқиб, совуқда қалт-қалт титраётган онаизорни ичкарига олиб кирдик. Хона анчагина илиқ эди. Онаизор ўзини йигидан тўхтата олмас, ҳадеб ўғлини бағрига босиб, юз-кўзларини силаб, ўпарди.

Хонани супуриб-сиририб эпақага келтириб, электр плитада чой қайнатиб ичдик. Хонада учта каравот бўлиб, ёнидаги маҳбуслар Ашхобод вилоят ва шаҳар ДАН раҳбарлари экан. Улар бирор гаплашиб, чиқиб кетишиди. Хонада яшаш учун барча куляйликлар мухайё, ҳатто телевизор ҳам бор эди.

Узок сұхбатлашиб, Ўрекенинг илтимосига кўра олиб борган тайёр масаллиқлар билан палов қилишга киришдим. Ўчогимиз – электр плита, қозонимиз – кастрюла, капкиримиз – ёғоч қошиқ. Таваккал деб

ишга киришдим. Масаллиқлардан мўлрок солдим. Иккиси соатларда ош тайёр бўлди. Анчадан бери ош ейишмагани учунни тўртловон икки катта товоқдан ош едик. Ҳақиқатан ҳам таом жуда мазали бўлган эди. Энди бунинг 100 грамми қани, деб сўрашибди улар. Шу зормандани олиш ёдимиздан кўтарилигдан экан. Қишлоқдаги дўконлар эса, якшанба бўлгани учун ёпик. Чой ичиб, анча вақт гурнуглашиб ўтириб, куннинг кеч бўлиб қолганини ҳам сезмай қолибмиз.

Қиши фасли эмасми, анча кеч кириб қолибди. Ўразқулнинг ётиб қолинглар, деб ялиниб – ёлворишлирига қарамай (тўғриси бу ерда қолгим келмади), орқага қайтидик. Оғам биз билан йиғлаб хайрлашиди.

**Қодир АҲМЕДОВ.**  
Қорачик қишлоғи.

"Жанубий Қозоғистон" вилоят газетаси таҳририяти Қизилўрда вилоят ўзбек этномаданият бирлашмасининг раиси Абдукаҳҳор Дадашева падари бузруквори

**Олим ДАДАШЕВ-**  
нинг оламдан ўтганлиги муносабати билан ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор қиласиди.

Қозоғистон ўзбек этномаданият бирлашмалари "Дўстлик" ҳамжамияти қошидаги "Ижодкор" адабий бирлашмаси аъзолари Шимкент шаҳрининг Сайрам даҳасидаги 108-сонли Ҳамза номли мактаб ўқитувчиси, таникли ижодкор Мунаввара Шодиматовага волидиа мұхтарамаси

**Омонжон ЎАЗМАТ қизи-**  
нинг вафоти муносабати билан таъзия изҳор этиб, ҳамдардлик билдирилар.

**Аллоҳ марҳумларни ўз раҳматига олган бўлсин!**

**Бош мұхаррир – Алишер Ғофуржон ўғли СОТВОЛДИЕВ.**

**Масъул шаҳсрар:**

Туркестон, Кентов – Шомирза МАДАЛИЕВ. 8(72533) 2-40-07.  
Түлебий – Баҳорой ДЎСМАТОВА. 8(72547) 6-07-16.  
Қазигурт – Хуршид КЎЧКОРОВ. +7-701-447-37-42.  
Сайрам – Мұхтабар ҰСМОНОВА. +7-707-257-97-36.  
Тулкибош – Мунира САЛЬДУЛЛАЕВА. +7-747-144-60-71.  
Обуна, реклама ва эълонлар – Зокиржон МҮМИНЖОНОВ. +7-702-278-96-90.

**Қозоғистон Республикасида тарқатилади.**

**Муассис: Туркестон вилоятини ҳоқимлиги.**

**Мулк эгаси – "Жанубий Қозоғистон" вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси таҳририяти" масъулияти чекланган биродарлариги.**

• Маколалар, эълон ва билирудлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъуллариди.

• Фойдаланилмаган маколаларга ёзма жавоб қайтарилиб майди.

**МАНЗИЛИМИЗ:** 160000, Шимкент шаҳри, Диваев кўчаси, 4-йй, 4-қават. Телефон: 53-93-17. Телефакс: 53-92-79. Бухгалтерия: 39-16-44

# ЯНГИЛАНАЁТГАН ТУМАН: ИСЛОХОТЛАР ДАВРИ

Президент Қасим-Жұмарт Тұқаев жорий йилги Мактубуда іктиносидіётін жадал технологик замонавийлаштириш масаласини күйді. «Қишлоқ хұжалигінің ривожлантирумай туриб, рақобат-бардош іктиносидіёт барпо этиш мүмкін емас.

Бу соҳада ечимини топмаган асосий масалалар бор. Жумладан, ахолининг ерга әгалік қылолмаслиғи, узоқ муддатта берилдиган «арзон насия»нинг йўклиғи, малакали мутахассисларнинг етишмаслиғи. Ҳосилдорликни орттириб, хом-ашё тайёрлаш билангина чекланмаслик учун, шунингдек, омбор ва транспорт инфраструктурунин ривожлантириш мақсадида тезкор чоралар қабуллаш зарур. Элимизда гўшт, мева-чева, сабзавот, қанд, буғдой, ёғбоп экинлар, сут маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва қайта ишлаш учун 7та йирик экотизимни шакллантириш мүмкун. Балиқчилик хұжалигига ҳам алоҳида эътибор берган маъқул. Қўшимча қийматни шакллантиришининг асоси ҳисобланадиган йирик лойиҳалар муҳим роль бажариши лозим», деди у.

Буларнинг барчаси муҳим мажмуавий вазифа.

Тўлебий тумани ҳам корхоналарни XXI асрга мослаштириб, янгилашга кириди. Туманда фаолият юритаётган корхоналарда янги рақамли технологияларни кўлланиш туфайли барпо этиладиган янги саноатни юксалтиришга эришиш – бош талабдир. Шу мақсадда «Жадал индустрисал-инновациявий дастур» ишлаб чиқилиб, йил бошидан бўён ҳаётга татбиқ этилмоқда. Бу ҳақда туман ҳокими Б. Ўмарбеков туман маслаҳатининг навбатдаги сессиясида 7 ойда ижтимоий-иктиносидий ўйналишда бажарилган ишлар бўйича берган ҳисоботида маълум қилди.

– Давлат раҳбарининг 1 сентябрь кунги Мактубида ҳам қатор долзарб вазифалар белгиланди. Уларни ҳаётга татбиқ этиш – барчамизнинг зиммамизга юқсан масъулият юклайди. Таъкидлаш жоиз, туманда иктиносидій ислоҳотларни жадал давом эттириш юзасидан Президентимиз ҳамда ҳукумат томонидан белгилаб берилган қатор устувор вазифаларнинг ижросини тўлақонли бажаришга асосий этибор

қаратилмоқда. Энг муҳими, кўрилаётган чоралар ижобий натижасини бермоқда. Жорий йилнинг ўтган даври мобайнидаги макроиктиносидій кўрсаткичлар ҳам шуни ишботлайди. Зеро, таҳлиллардан туман ички ялпли ҳудудий маҳсулот, жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хұжалик экинларини етишириш, курилыш ишлари, чакана товар айланими каби хизматларнинг ҳажми белгиланганига нисбатан 100 фоиздан то 123 фоизгача ошириб бажарилишига эришилди.

Туман иктиносидій салоҳиятида саноат тармоғи ўзига хос аҳамият қасб этади. Шу ўринда ҳозир 12та йирик ва 58 кичик саноат корхоналари мавжудлигини таъкидлаш жоиз. Улар, асосан, машинасозлик,

куриб берди.

Туманда янги иш ўринлари очилмоқда. Вилоят ҳокимининг ташаббуси билан бандлик масаласига бизнес вакилларининг ҳам масъуллигини оширгани бу ишга янги талқин бермоқда.

Туманда бундан ташқари, яна қатор ўзига хос ўйналишдаги бошқа дастурларнинг икросини таъминлаш чоралари ҳам кўрилмоқда. Чунончи, 8та саноат салоҳиятини юксалтиришга қаратилган лойиҳа амалга оширилмоқда.

– Агар соҳа ҳақида гапиргандা, дастур доирасида иктиносидиётимизнинг ҳал қилувчи кучига айланаби бораётган майда хўжаликларни йириклаштириш тадбирларини ривожлантириш, ер унумдорлигини



қурилиш соҳасида, шунингдек, қишлоқ хұжалиги маҳсулотлари ва табиий захирадарларни қайта ишлаш ҳамда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича фаолият юритмоқда.

Фақат жорий йилнинг ўзида шаҳар ва қишлоқларда ўнлаб соғлини сақлаш, мактабчага тарбия муассасалари, турар жой бинолари қурилди. Қишлоқларга «Тоза сув» дастури бўйича сув келди.

Бизнеснинг ижтимоий масъулияти доирасида «Қаз Транс Газ Аймақ» ҲЖ Ленгер шаҳридаги мактабда спорт иншоотлари

ошириш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилганини таъкидлаш жоиз, – деди туман ҳокими. – Қишлоқ хұжалиги соҳасидаги бундай улкан ўзгаришлар шакшубҳасиз, юртимизда қабул қилинаётган қонун устуворлиги тамойили таъминланадиганлиги билан чамбарчас боғлиқ.

Тадбиркорликни ривожлантириш эса одамларга ўз даромади ва фаровонлигини ошириш имконини бермоқда. Таракқиёттинг муҳим омили бўлган бизнес-ло-

йиҳаларнинг амалга оширилиши туфайли туманда ҳар йили юзлаб янги иш ўринлари очилмоқда.

Худудда 30 гектар майдонда индустривий мантақа барпо этилган, ҳозирги кунда у жами қиймати 12 млрд. 39 млн. тенгени ташкил этувчи 12та лойиҳани амалга оширишни режаламоқда.

Улар – бўғдой ва сут маҳсулотларини қайта ишладиган корхоналар лойиҳаси, газли, газсиз сув, мебель, гидротехника ускуналари ишлаб чиқариш лойиҳалари.

Туман маркази Ленгер шаҳрида ҳам кичик ва ўрта бизнес доимий эътиборда. Шаҳарни ижтимоий-иктиносидий ривожлантириш мақсадида 14та йирик лойиҳа амалга оширилиб, тадбиркорлик соҳасида меҳнат қилаётганлар сони 2 344 кишига етди. Бизнес очаётган тадбиркорларга давлат томонидан ёрдам кўрсатилиди.

Туманда тадбиркорликни ривожлантириш учун кичик насия ташкилотлари ва иккичини даражадаги банклар орқали насия олиш имкониятлари яратилмоқда.

Тўртта кичик насия ташкилоти ва «Қишлоқ хұжалигини молиявий қўллаб-қувватлаш жамғармаси» ҲЖ орқали 767 фуқарога насия берилди. Яқин йилларда туманда ўнлаб янги қорамол ва йилқи фермалари очилади. Туманда янги иссиқоналар қурилиб, интенсив боғлар барпо этилади, мол бўрдоқилаш ва наслчиллик фермалари очилиб, гидроиншоотлар фойдаланишга топширилади, шунингдек, мева-сабзавот омбори қурилмоқда.

Туманни сайёхлик ҳудудига айлантириш борасида ҳам вилоят ҳокимлиги томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хулас, тумандаги барча имконият ва мавжуд салоҳият ҳудуд иктиносидиётини ривожлантириш ва шу орқали ижтимоий масалаларни ҳал этишга қаратилган вазифаларни «Жадал индустрисал-инновациявий дастур» асосида амалга оширишга қаратилмоқда. Зеро, эришилган ютуқлар настижасида аҳоли фаровонлиги ошиб, турмуш даражаси янада юксалмоқда, ҳудуд, ҳар бир туман, қишлоқ ва хонадон обод бўлиб бормоқда.

## Б. ДЎСМАТОВА.

**ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ МАКТУБИ  
ОММАБОП ВА СИФАТЛИ ТАЪЛИМ**

2021 йилнинг январидан: ўқитувчилар маоши 25 фоизга ошиади.

Шу мақсадда 3 йилда 1,2 трлн. тенге ажратилади.

2025 йилга қадар 6 ёшгача болалар мактабчага таълим-тарбия билан 100 фоиз қамраб олинади.

**ЯНГИ ИКТИСОДИЙ ДАСТУРНИНГ ЕТТИТА АСОСИЙ ТАМОЙИЛИ**

1. Манбаатлар ва мажбуриятларнинг тўғри тақсиланиши  
2. Ҳусусий тадбиркорликнинг етакчи роли  
3. Адолатли рақобатбардошлиқ, тадбиркорликнинг янги авлоди учун бозор очиш  
4. Ишлаб чиқариши юксалтириш, иктиносидиётнинг мураккаблиги ва технологик сифатларини ошириш  
5. Одам капиталини ривожлантириш, таълимнинг янги шаклига сармоя жалб этиши  
6. «Яшил иктиносидиёт»ни ривожлантириш, атроф-муҳитни муҳофазалаш  
7. Давлат томонидан асосли қарорлар қабул қилиш ва улар учун жамиятда масъул бўлиш.

Бу борада биз рақобатбардошлигимизни намоён қилишимиз ва имкониятларимизга таянишимиз зарур.

**ДАВЛАТ ДЕВОНИ ВА КВАЗИДАВЛАТ ШЎЬБА**

Давлат девони ва квазидавлат шўъбаси ходимларини қисқартириш

10 фоизга 2020 й. 15 фоизга 2021 й. 25 фоизга 2021 й.

Тежалган маблаг эвазига қолган ходимларнинг ойлик маоши оширилади. 2021 йил 1 июлдан балл-факторли тизим жорий этилиши зарур. Бу – давлат хизматчиларининг масъулиятини ошириб, меҳнатга иштиёқини рағбатлантиради.

**КИЧИК ВА ЎРТА БИЗНЕСНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИRLARI**

700 мингдан зиёд тадбиркорга солик имтиёзлари берилади

6 фоизини давлат субсидиялайди

Кичик ва ўрта бизнеснинг ИЯМдаги улушини

Миллий Банк энг кўп зарар кўрган юб’алларни учун айланни набаватини тўлдиришини 2021 йил охиригача давом этиради

Бунинг учун кўшимча 200 миллиард тенге ажратилади

Натижада дастурнинг умумий ҳажми 800 миллиард тенгега етказилади

2025 йили - 35 фоизгача ошириш ва ишчилар сонини 4 миллион кишига етказиши